

**Масъулияти чекланган жамият шаклидаги**  
**«NEW GLOBAL PROPESSIONAL-AUDIT»**  
**аудиторлик ташкилоти**

Манзил: Тошкент вилояти Тошкент шаҳри Навоий кучаси 30 уй Тел. +99890-729-05-78.

Банк: Кишлоқ қурилиш Тошкент вил МФО 00987. х/р20208000904368607001 СТИР:205311743, ОКОНХ 84400

Лицензия: Аудиторлик фаолияти бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2014 йил 28 ноябрь кунидаги №-00737-сонли лицензиясига эга.

2017 йил 21 апрель

Молиявий ҳисоботдан ташки  
фойдаланувчиларга

«Семурғ» инвестиция фонди акциядорлик жамиятининг  
2016 йил 1 январдан 2016 йил 31- декабрга қадар бўлган  
даврдати молиявий ҳужалик фаолияти юзасидан

**ИЖОБИЙ ФИКР БИЛДИРИЛГАН**  
**АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «NEW GLOBAL PROPESSIONAL-AUDIT» аудиторлик ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 25 октябрь 2014 йилда берилган №05248 аудитор малака сертификатига эга бўлган аудитори К.Тураев «Семурғ» инвестиция фонди акциядорлик жамиятининг 2016 йил 1 январдан 2016 йил 31 декабрга қадар бўлган даври учун тайёрланган молиявий ҳужалик фаолияти юзасидан аудиторлик хизмати бўйича текширувдан утказилган.

Аудиторлик текширувдан утказиладиган молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун ҳужалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти жавобгар ҳисобланади.

Аудиторлик ташкилоти аудиторлик текширувдан утказилган молиявий иктисодий ҳолати тугрисида хулосаси учун асослаб беради.

Биз аудиторлик текширувининг «Аудиторлик фаолияти тугрисида»ги Конун ва Аудит Миллий андозаларига мувофиқ утказдик.

Аудит Миллий андозалари биз томонимиздан молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларни молиявий ҳисоботда жиддий бузилишлар мавжуд эмаслигига етарли ишонччи таъминлашимиз кераклигини такозо этади.

Аудиторлик текшируви ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги, уларнинг конун ҳужжатларига шунингдек, молиявий-ҳужалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолаш мақсадида утказилди.

Бизнинг фикримизча, «Семурғ» инвестиция фонди акциядорлик жамиятининг утказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асос беради, деб ҳисоблаймиз. «Семурғ» инвестиция фонди акциядорлик жамиятининг 2016 йилги молиявий ҳисоботлари унинг иктисодий ҳолатини умумий жиҳатдан тугри аке эттирган. Текширишда аниқланган ҳато-қамчиликлар баланс ва якуний молиявий натижаларига жиддий таъсир қуратмайди.

«Семурғ» инвестиция фонди акциядорлик жамиятининг бухгалтерия баланси Ўзбекистон Республикаси ва БХМСнинг конун ҳужжатларига тугри келади.

МЧЖШ «NEW GLOBAL PROPESSIONAL-AUDIT»  
аудиторлик ташкилоти директори:



К.Тураев